

Ўзбекистон Республикаси номидан ХУКМ

2023 йил февраль ойининг 14 куни, жиноят ишлари бўйича Ургут туман судининг очиқ суд мажлиси, ўз биносида бўлиб, туман судининг раиси F.Негматовнинг раислигида, халқ маслаҳатчилари З.Низомов ва С.Ашуревлардан иборат ҳайъатда, судья ёрдамчиси П.Рахмоновнинг котиблигида, тарафлардан давлат айловчиси Ургут туман прокурорининг катта ёрдамчиси У.Рахимов, судланувчи М.Қурбонова ва унинг ҳимоячиси Самарқанд шаҳридаги “Боғишамол ҳақиқати” адвокатлар ҳайъати адвокати А.Бекмухамедов, жабрланувчи А.Шамсиевнинг иштирокида, Қурбонова Мадинабону Асли қизига оид 1-1416-2301/33-сонли жиноят иши қўрилди.

Иш хужжатларига кўра:

Қурбонова Мадинабону Асли қизи (Qurbanova Madinabonu Asli qizi), 1996 йил 05 январда Ургут туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта-максус, ишсиз, оиласи, 1 нафар фарзанди бор, судланмаган, Самарқанд вилояти, Ургут тумани, “Чағизмон” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида яшаган, 2022 йил 19 октябрда ЖПКнинг 221-моддаси тартибида ушланиб, 2022 йил 20 октябряда қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган, айлов хулосаси нусхасини 2023 йил 20 январда олган,

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 97-моддасининг 1-қисми билан айланган.

Суд ҳайъати, суд мажлисида судланувчи, жабрланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатмаларини тинглаб, иш бўйича тарафлар музкараси ва судланувчининг охирги сўзини эшлитиб, жиноят иши хужжатларини ўрганиб чиқиб, ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И

Судланувчи Қурбонова Мадинабону Асли қизи, 2022 йил 19 октябрь куни соат таҳминан 15:00 ларда ўзи истиқомат қилиб келган Ургут туман, “Чағизмон” маҳалласи, А.Яссавий номли кўчаси 3-тор кўча 12-хонадонда бирга яшовчи қайноаси Содиқова Майсара Рушановнани бегона эркак билан телефон орқали гаплашиб юрганлигини эшлитиб қолганлиги сабабли бирор-бир кишига айтиб қўймаслиги учун қайноаси билан ўрталарида ўзаро келишмовчилик чиқиб, яшаш уйнинг ичидаги бўлган жанжал вақтида қайноаси унинг чап қўлига болтанинг тўмтоқ қисми билан ургач, қайноасини қасдан ўлдириш мақсадида хонада бўлган пишиқ ғишт билан қайноасининг бош соҳасига уриб, шундан сўнг қайноасининг қўлида бўлган болтани олиб, қайноасининг бош ва бўйин соҳаларига болта билан, сўнг пичноқ ва чопқи билан бир неча маротаба уриб уни қасдан ўлдириб воқеа жойидан яширган.

Республика Суд тиббий-экспертизаси илмий амалий маркази Самарқанд филиалининг 2022 йил 19 ноябрь кунги 302-сонли хулосасида, мархума М.Содиқованинг ўлими калла асос ва гумбаз суюкларининг синиши, бош мия пардалари остига қон қуйилиши, бош мия тўқимасига ва қоринчаларига қон қуйилиши, чопилган жароҳатлар ва ўткир қон йўқотиши билан кечган бўйиннинг чап томон бўйинтириқ веналари ва уйқу arterияси шохларининг ҳамда бўйин



мушакларини жароҳатловчи санчилиб кесилган яралари кўринишидаги калла ва бўйин аъзоларининг қўшма мураккаб шикастланишларидан келиб чиққанлиги, марҳума М.Содиқованинг танасида яъни чап елка бўғими ва чап курак усти соҳасида қонталашлар, бошининг чап томон чакка тепа, чап қулоқ супраси соҳасида эзилиб йиртилган яралар ўтмас қаттиқ жисмлар таъсирида яъни қиррали юзага эга бўлган ўтмас қаттиқ қисм таъсирида етказилганлиги, бошининг чап томон чакка энса ва юз соҳаларида чопилган яралар, чап чакка энса калла асос ва гумбаз суюклариинг синиши каби жароҳатлари чопувчи воситалар таъсирида булар қаторига болта ва шунга ўхшаш жисмлар кириши, бўйиннинг чап ён юзасида юзаки кесилган яралар ўткир учли кесувчи воситалар, бўйиннинг пастки қисми чап ён юзасида бўйинтуруқ вена қон томирлари ва уйқу артериясининг шохлари, бўйиннинг трапециясимон мушаклари бўйин умуртқа олди мушакларининг жароҳатловчи санчилиб кесилган яралар ўткир учли санчилиб кесувчи воситалар яъни пичоқ таъсирида етказилганлиги, ушбу жароҳатлар “ОФИР ТАН ЖАРОҲАТЛАРИ” гуруҳига киришлиги ва ўлим сабаби билан бевосита боғлиқ эканлиги кўрсатилган.

Судланувчи М.Қурбонова суд муҳокамасида айбига тўлиқ иқрор бўлиб, Шамсиев Азамат билан 2017 йилда қонуний никоҳдан ўтиб турмуш қурганларини, ўрталарида бир нафар, 2021 йил 2 ноябрь куни туғилган Авазова Ризқия исмли фарзанди борлиги, турмуш ўртоғи 2022 йил 7 август куни Россия Федерациясига ишлаш учун кетганидан сўнг у қайнонаси билан биргалиқда яшаб келиб, 2022 йил октябрь ойининг бошларида кечки вақт қайнонаси билан бирга ётган вақтида, қайнонаси қўл телефонида номаълум шахс билан яширинча суҳбатлашиб, номаълум шахсга турмуш ўртоғи вафот этганлиги, ўғли эса Россия Федерациясига ишлаш учун кетганилиги боис уйига учрашиш учун келишига тўсқинлик йўқлигини маълум қилганини эшишиб қолиб, қайнонасидан ким билан суҳбатлашаётганлиги тўғрисида сўраганида, қайнонаси қўрқув ҳолатига тушганлигини ва унга бирор бир шахсга маълум қилган тақдирда ўлдириш билан таҳдид қилганлигини, 2022 йил 18 октябрь куни уйидан материалга тикиладиган тошлар йўқолганлиги сабаб қайнинглиси билан ўзаро жанжаллашиб қолишганларини, мазкур тошларни йўқолишига уни сабабчи деб билишганини, қайнинглиси бу ҳақида қайнонасига айтганидан сўнг қайнонаси уйидан чиқиб кетишини талаб қилганлигини, 2022 йил 19 октябрь куни кундузи фарзанди билан овора бўлган вақтида қайнонаси такроран уйидан кетишини талаб қилишни давом эттиргани учун ўрталарида низо келиб чиққанлигини, орадан оз вақт ўтиб соат тахминан 15.00 ларда қайнонаси тегишли хонада фарзанди билан бўлганида қайнонаси темир болтани кўтариб келиб қолганини, қайнонаси уйдан кетишини акс ҳолда ўлдириш билан таҳдид қилиб қўл кафтини устига болтани орқа томони билан урганида у қўрқиб ташқарига қочганлиги, фарзандини қолдириб чиққанлиги учун ташқарига турган пишиқ ғиштни олиб уйга қайтиб кирганлиги, қайнонаси яна болта билан урмоқчи бўлганида, чап бериб қўлидаги ғишт билан қайнонасининг бошига зарб билан урганлиги, қайнонаси шу вақтда зарбдан хонадаги диванга йиқилиб тушганлиги, деворга қайнонасанинг бошидан оққан қон сачраб кетганлиги, қайнонаси олдига туриб келаётган вақтида яна ғишт билан бошига уриши натижасида йиқилганлиги, қайнонасанинг қўлидан болтасини олиб қасдан ўлдириш мақсадида болта билан бош ва бўйин соҳаларига бир неча маротаба қасдан уриб тан жароҳати етказганлиги, қимирламай қолганини кўриб хонада бўлган пичоқ ва чопқини олиб, бошига ва бўйнига уриб уни ўлдирганлигини, сўнг қўлларини хаммомга кириб совуқ сув билан ювиб, эгнидаги қон бўлиб кетган кўк таъзия кийимларини за пайпоғини алмаштирганлиги, қайнонасини урган вақтида қўллари қон бўлиб



боласини ушлагани учун фарзандининг ҳам кийимларини алмаштирганлиги, фарзанди билан уйдан чиқиб, кўчада “Дамас” автомашинасида “Сўфиён” маҳалласида жойлашган ота уйига борганини, акасига қайнонаси билан уришиб қолганлигини айтган бўлса-да, аммо улдириб қўйганлигини маълум қилмаганлигини, акаси қайнонаси билан уришмаслигимни айтиб уйига қайтиб боришини тайинлаб, бирга кўчага чиқиб йўл мошинасида “Тож маҳал” ресторани ёнига қўйиб кетганлигини, қаерга боришини билмасдан сўнгра холаси ишлайдиган Ургут туманидаги шифохонага борганлиги, холасига бирор бир нарсани айта олмасдан йиғлавергани учун холаси акасини олдига чақириб олганлигини, ўша вақтда акасига қайнонасини болта билан уриб ўлдирганлигини айтиб берганлиги, сўнгра акаси уни туман ИИБга олиб борганлигини, қайнонаси доимий уни камситиб ҳақорат қилиб келгани, қайнонасини болта, пичоқ ва ғишт билан урганида вояга етмаган қизидан ташқари атрофда ҳеч ким бўлмаганини, қилган ишидан пушаймонлигини, оиласвий моддий шароитини инобатга олиб, қонуний енгиллик беришни сўради.

Судланувчи М.Қурбонованинг айбига тўлиқ иқрор бўлиб берган кўрсатувидан ташқари унинг айби қуидаги далиллар билан исботланади.

Жабрланувчи А.Шамсиев суд муҳокамасида, Қурбонова Мадина билан 2017 йилда турмуш қурганларини, бир нафар 2021 йил 2 ноябрь куни туғилган Авазова Ризқия исмли фарзандлари борлиги, у 2022 йил 6 август куни Россия Федерацияси, Москва шаҳрига ишлаш учун кетганлиги, марҳума онаси ҳётлик вақтида Ургут “Сомон бозори”да полиз маҳсулотлари савдоси билан шуғулланиб келганлигини, 2022 йил 19 октябрь куни Ўзбекистон вақти билан соат тахминан 18-19 лар атрофида бирга ишлайдиган танишларидан уйида бўлган ҳолат тўғрисида миш-мишлар эшитганидан сўнг онасига қўнғироқ қилганида, онасини рақами ўчирилгани учун қўшниларга қўнғироқ қилганида, улар турмуш ўртоғи онасини ўлдирганлигини, яшаш уйида ИИБ ходимлари борлиги тўғрисида маълум қилганларини, танишларидан пул олиб, 300 АҚШ долларига авиабилет харид қилиб, Тожикистонга самолётда учиб келганлиги, у ердан йўл машинаси орқали Ургут-Тожикистон чегара пунктига, шундан сўнг таъзияга етиб келганлигини, онаси ва турмуш ўртоғи ўртасида нима жанжал бўлганидан хабари бўлмаганлиги, унга қўнғироқ қилиб туришганида ҳам бирор жанжал ёки келишмовчлик борлиги ҳақида ҳам айтишмаганларини, Россияда ишлаб юрган вақтида синглиси тикадиган аёллар кўйлагининг тахминан 3 млн. сўмлик тошлари йўқолганлигини телефонда айтганлигини, ушбу масала бўйича уйида онаси ва турмуш ўртоғи ўртасида оғзаки жанжал бўлганидан хабар топиб, онасига ушбу нарсаларни отаси чиқариб сотиб, пулларини ичиб юборганлигини айтиб тинчлантирганлигини, турмуш ўртоғи онасини бир ўзи ўлдирганига гумони борлигини, аммо далиллари йўқлигини, судланувчига нисбатан қонунда белгиланган жазо тайинлашни сўради.

Гувоҳ А.Махмудов суд муҳокамасида, 2022 йил 17 май кунидан туманинг “Чағизмон” маҳалласи раиси лавозимида ишлаб келиши, 2022 йил 19 октябрь куни соат тахминан 19:00 да Самарқанд шаҳридан қайтиб Ургут туманидаги “Сомон бозори” ёнига етганида, “Чағизмон” маҳалласида яшовчи “Азимхожи” исмли фуқаро қўнғироқ қилиб, маҳалласида яшовчи фуқаро М.Содиқова яшаш уйида қонга беланган ҳолда ётганлигини, тез ёрдам чақириб ИИБга хабар беришини тайинлаганини, тез ёрдамга қўнғироқ қилганида бу ҳолат бўйича чақирив бўлганини ва тез ёрдам ходимлари кетишганлиги тўғрисида маълум қилишганларини, зудлик билан М.Содиқовани уйига етиб келганида марҳумани қариндошлари йиғлаб ўтиришганларини кўргани, тез ёрдам ходимларидан М.Содиқова ўлдирилганлигини билгани, ИИБ ходимлари воқеа жойини ўраб



қўриқловга олишганларини, суриштирув давомида ушбу жиноятни М.Содиқованинг келини М.Қурбонова содир қилганлигини эшигани, ушбу хонадонда қайнона ва келин ўртасида бирор жанжал ёки келишмовчилик ҳақида маҳаллага мурожаат келиб тушмаганини, марҳума тириклик вақтида бозорда полиз экинлари савдоси билан шуғулланиб келгани, А.Қаюмов 2022 йил август ойида вафот этганлигини, мазкур турдаги жиноятларни такрорланмаслиги бўйича кенг қамровли ишлар амалга оширилаётганлигини билдири.

Гувоҳ З.Жаббарова суд муҳокамасида, 2022 йил 19 октябрь куни соат 18.00 лар атрофида ўзи ишлаб келган шифохонада бўлган вақтида жияни М.Қурбонова ёнига келганлиги ва унга қайнонаси билан ўзаро жанжаллашиб қолганлигини айтиб йиғлаганида, унга оиласвий ишларига уни аралаштирмаслигини ва тинч йўл билан келишиб олишларини айтиб, М.Қурбонвани акасига қўнғироқ қилганлигини, орадан вақт ўтиб жияни М.Қурбонов етиб келганлигини ва синглисини ўзи билан олиб кетганлигини, орадан вақт ўтиши билан иш жойига етиб келган ИИБ ходимлари ундан жияни М.Қурбонова ҳақида суриштирганларида, уларга акаси М.Қурбонов ўзи билан олиб кетганлигини маълум қилганлиги, ИИБ ходимлари унга ҳам ИИБ биносига етиб боришини тайинлаганлари учун иш жойидан жавоб олиб ИИБга борганлигини ва ўша ерда жияни содир этган қотиллик жиноятидан хабар топганлигини билдири.

Гувоҳ М.Қурбонов суд муҳокамасида, 2022 йил 19 октябрь соат 16:00 ларда куни ўз яшаш уйида бўлганида, синглиси Курбонова Мадинабону Асли қизи ранги оқарган, хис-ҳаяжонга берилган ҳолатда келганлиги, синглидан хол-аҳвол сўраганидан сўнг, у қайнонаси М.Содиқова билан ўзаро келишмовчилик сабабли, урушиб қолишганлигини, шу сабабли уни олдига келганлигини маълум қилганлигини, М.Қурбонова бундан олдин ҳам оиласвий келишмовчик учун кўп маротаба уйига қайтиб келган ҳолатлари бўлганлиги сабабли, синглига отасини соғлиги яхши эмаслигини, ҳозир отаси бўлган ҳолатдан хабар топса янада соғлиги оғирлашиб қолишини, оиласвий келишмовчиликлар ҳар бир оиласда бўлиб туришини айтиб, келинлик уйига олиб бориб, қайнонаси М.Содиқова билан гаплашишини айтиб, синглисини унинг келинлик уйига олиб бориш мақсадида, автомашиналар қатнов йўлига чиқиши учун пиёда бирга катта йўл томонга борганлари, синглиси билан бирга катта йўл томонга юриб бораётган вақтида, у тўхтовсиз йиғлаб боргани, йўлга чиққандан сўнг, “Дамас” русумли йўналишда қантовчи автомашинага чиққанларида, тахминан 5 дақиқа юргандан сўнг, “Тожимахал” тўйхонаси олдига келганлари, синглисига уйига ўзи боришини, ушбу уйда эркак киши йўқлиги сабабли ўзи бормаслигини, қайнонаси М.Содиқова билан ўзаро келишиб олиши лозимлигини тайинлаб кузатиб кўйганлигини, сўнгра ўз шахсий юмушлари билан шуғулланиш мақсадида, юқори бозор томонга пиёда кетганлигини, тахминан бир соат ўтганидан сўнг, холаси З.Жабборова қўнғироқ қилиб, синглиси унинг ишхонасига яъни, Ургут туманида жойлашган кўп тармоқли шифохонанинг болалар бўлимига келганлигини, бу ерга зудлик билан етиб келишини айтгани учун 10 дақиқа ичида айтилган жойга етиб бориб, кўп тармоқли шифохонанинг ҳовлисида синглисини кўргани, ундан нима сабабдан келинлик уйига бормасдан бу ерда ўтирганлигини сўраганида, у бунга жавобан қайнонаси М.Содиқова уни ўлдирмоқчи бўлганлигини, ўзини ҳимоя қилиш мақсадида қайнонаси М.Содиқовани бош қисмига пишган ғишт билан урганлигини, қайнонаси М.Содиқова олган тан жарохатидан воқеа жойида вафот этганлигини айтиб берганлигини, ушбу хабардан шок ҳолатига тушиб қолиб, қайнонаси М.Содиқова ўлмаган бўлиши мумкунлигини, ҳолат содир бўлган жойга бориб унга биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш кераклигини айтганида, синглиси



жавобан М.Содиқова йиқилғанлигини, нафас олмай қўйғанлигини айтганидан сўнг, уни туман ИИБга олиб борганлигини билдири.

Гувоҳ Д.Нарзиева суд муҳокамасида, гувоҳ А.Махмудовни кўрсатувига ўхшаш мазмунда кўрсатма берди.

Судланувчи М.Солиеванинг жиноят содир этганликдаги айби жиноят ишидаги ҳодиса жойини кўздан кечириш баённомаси ва фотосуратлар, мурдани кўздан кечириш баённомаси ва фотосуратлар, нарсани олиш ва кўздан кечириш баённомалари ва фотосуратлар, тушунтириш хатлари, кўрсатувларни воқеа жойида текшириш баённомаси, Республика суд-тиббий экспертиза илмий-амалий маркази Самарқанд филиалининг 19.11.2022 йилги 302-сонли хulosаси, Республика суд-тиббий экспертиза илмий-амалий маркази Самарқанд филиалининг 24.10.2022 йилги 3123-сонли хulosаси, Самарқанд вилоят наркология диспансерининг 21.10.2022 йилги 551-сонли далолатномаси, Самарқанд вилоят руҳий касалликлар шифохонаси экспертлар комиссиясининг 01.11.2022 йилги 222-сонли хulosаси, Республика суд-тиббий экспертиза илмий-амалий маркази Самарқанд филиалининг 28.12.2022 йилги 236/2207-сонли хulosаси, Республика суд-тиббий экспертиза илмий-амалий маркази Самарқанд филиалининг 28.12.2022 йилги 235/2194-сонли хulosаси, ашёвий далиллар ҳамда жиноят ишида тўпланган бошқа далиллар билан исботланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2004 йил 24 сентябрдаги 13-сонли “Қасдан одам ўлдиришга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги қарорининг 5-бандида агар қилмишда Жиноят кодекси 97-моддасининг иккинчи қисмида кўрсатиб ўтилган квалификация белгилари, шунингдек, мазкур Кодекснинг 98–101-моддаларида назарда тутилган жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар мавжуд бўлмаса, масалан, қотиллик безорилик туйғулари билан эмас, балки ўзаро жанжал ёки уришиш натижасида, рашк туфайли, ўч олиш, ҳасад, адоват, нафрат оқибатида содир этилган бўлса, қасдан одам ўлдириш жинояти ЖК 97-моддасининг биринчи қисми бўйича квалификация қилиниши ҳақида тушунтириш берилган.

Судланувчи М.Қурбонованинг жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 97-моддасининг 1-қисми билан тўғри квалификация қилинган, чунки у қайноаси М.Содиқова қўлида бўлган болта билан унга дастлаб тан жароҳати етказиб, сўнгра М.Содиқовани ғишт бўлаги билан бошига уриб ва болтани тортиб олиб, уни ўлдириш мақсадида ҳужум қилиб, ҳаёти учун муҳим бўлган аъзоларига бир неча маротаба болта ва пичоқ билан уриб қасдан ўлдирган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги Қарорининг 1-бандида жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилишга қаратиш ҳақида, 3-бандида Жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айборнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги ҳақида, 37-бандида ЖК 57-моддасига мувофиқ, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар аниқланган тақдирда, Жиноят кодекси Махсус қисми моддаси санкциясида назарда тутилган энг кам жазодан ҳам камроқ ёки шу моддада назарда тутилмаган бошқа енгилроқ жазо тайинланиши мумкинлиги, бунда, қонунга мувофиқ, судлар, нафақат шахс жиноят



содир этиш вақтида кўзлаган мотив ва мақсад, айб шакли ва даражасини, балки, айборнинг шахси, жиноят иштирокчилари орасидаги роли, жиноят содир этилиш пайтидаги ёки содир этилганидан кейинги хулқ-атвори, жиноятни содир этиш сабаблари ва бунга олиб келган шарт-шароитни ҳам эътиборга олишлари лозимлиги, жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи алоҳида ҳолатлар рўйхати қонунда кўрсатилмаганлигини назарда тутиб, суд қабул қилган қарорини ҳукмда асослантирган ҳолда жазони енгиллаштирувчи айrim ҳолатни ҳам, уларнинг мажмуини ҳам бундай ҳолат сифатида тан олиши мумкин ҳақида тушунтиришлар берилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2004 йил 24 сентябрдаги 13-сонли “Қасддан одам ўлдиришга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги қарорининг 27-бандида қасддан одам ўлдириш учун жазо тайинлашда ушбу жиноят содир этилишидаги барча ҳолатлар: қасд тури, қотиллик сабаблари, мақсади, усули, жиноят содир этилган вазият ва жиноят босқичи, шунингдек, айборнинг шахси, унинг ўз қилмишига муносабати, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатлар эътиборга олиниши зарурлиги ҳақида тушунтириш берилган.

Суд ҳайъати, судланувчи М.Курбоновага нисбатан жазо тури ва миқдорини тайинлашда, унинг айбига тўлиқ иқрор бўлиб, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлиги, қарамоғида 1 нафар фарзанди борлиги, муқаддам судланмаганлигини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб, жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар йўқ деб ҳисоблаб, унинг содир этган жиноятининг ижтимоий хавфлилик даражасини, жабрланувчини қонуний вакилини даъвосини, жиноятни содир этиш вақтидаги мотив ва мақсадини, айб шакли ва даражасини, шахсини, жиноят содир этганидан кейинги хулқ-атворини, жиноятни содир этиш сабаблари ва бунга олиб келган шарт-шароитни жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтируvчи ҳолатлар деб топиб, жабрланувчининг жиноят содир этилишига туртки берган ҳуқуққа хилоф хулқ-атворини, айни бўйнига олиш тўғрисида Ургут туман ИИБга мурожаат қилганлиги, оилавий ва моддий шароитини инобатга олиб, ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, у айбланаётган модда санкциясида назарда тутилган озодликдан маҳрум қилиш жазосининг энг кам қисмидан ҳам камроқ озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлашни лозим деб топади.

Суд ҳайъати, етказилган заарни муҳокама қилиб, жабрланувчи А.Шамсиевнинг судланувчига нисбатан моддий ва маънавий даъвоси етарли ҳужжатлар билан асослантирилмаганлигини инобатга олиб, тарафларга келгусида ўзларига етказилган моддий ва маънавий заарларни ундириш масаласида фуқаролик суд ишларини юритиш тартибида даъво қилиш ҳуқуқи мавжудлигини тушунтиришни лозим деб топади.

Суд ҳайъати, ашёвий далилларни муҳокама қилиб, ашёвий далил деб эътироф этилган, ҳодиса жойидан олинган 1 дона пичоқ, оч кук рангли аёллар кўйлаги, бир дона ошхона чопқиси, бир дона ғишт бўлаги ҳукм қонуний кучга киргач тегишли тартибда йўқ қилишни лозим деб топади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 211, 454-457, 462, 463, 465-468, 471, 472, 473-моддаларига амал қилиб, суд ҳайъати

ҲУКМ ҚИЛАДИ

Курбонова Мадинабону Асли қизи (Qurbanova Madinabonu Asli qizi), Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 97-моддасининг 1-қисмida назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.



Курбонова Мадинабону Асли қизига Ўзбекистон Республикаси ЖК 97-моддасининг 1-қисми билан, ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, 8 (саккиз) йил 6 (олти) ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансан.

Жазони ўташ муддати 2022 йил 19 октябрь кунидан бошлаб ҳисобланиб, умумий тартибли колонияларда ўтаттирилсан.

М.Қурбоновага нисбатан қўлланилган “қамоққа олиш” тарзидаги эҳтиёт чораси аслича қамоқда қолдирилсан.

Жабрланувчи А.Шамсиевга етказилган моддий ва маънавий заарларни ундириш масаласида фуқаролик суд ишларини юритиш тартибида даъво қилиш хуқуқи мавжудлиги тушунтирилсан.

Ашёвий далил деб эътироф этилган 1 дона пичоқ, оч кук рангли аёллар кўйлаги, бир дона ошхона чопқиси, бир дона ғишт бўлаги хукм қонуний кучга киргач тегишли тартибида йўқ қилинсан.

Хукмдан норози тарафлар хукм эълон қилинган кундан, судланувчи ва жабрланувчи эса хукм нусхасини олган кундан эътиборан йигирма сутка ичida Самарқанд вилоят судига апелляция тартибида шикоят бериш ёки протест келтиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи:	имзо	F.Негматов
-------------------------	-------------	-------------------

Халқ маслаҳатчилари:	имзо	З.Низомов
-----------------------------	-------------	------------------

имзо	С.Ашурев
-------------	-----------------

“Нусхаси аслига тўғри”	
-------------------------------	--

Раислик қилувчи судья:	F.Негматов
-------------------------------	-------------------

